



Ceramics of the Tolstoy settlement (based on excavation materials from 1981–1986)

Zarifa KHOLMATOVA¹

National Archaeological Center of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2024

Received in revised form

15 September 2024

Accepted 25 September 2024

Available online

15 October 2024

Keywords:

Stone Age,

Neolithic,

Keltaminara culture,

Tolstov settlement,

ceramics from the

1981–1986 excavations,

vessel shapes,

vessel types,

manufacturing technology,

ornaments,

analogies.

ABSTRACT

This article focuses on the collection of ceramics discovered during the excavations of Tolstov settlement between 1981 and 1986, which has not yet been introduced into scientific circulation. The collection is preserved at Ichan-Kala State Museum-Reserve. The article emphasizes the scientific analysis of these ceramic products, specifically the technology of their production, structural composition, shapes, and types of vessels. Additionally, it examines the methods used to apply ornaments to the vessel surfaces, analyzing their forms, content, and analogies. The study provides comparative data from earlier excavations of Tolstov settlement, as well as ceramics from the Jonbas 4 site and monuments representing local variants of Keltaminara culture (Akchadarya, Lavlyakan, Nizhne-Zarafshan). For the first time, this ceramic collection from Tolstov settlement is being introduced into scientific circulation.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss10/S-pp530-544>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CCBY4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Толстов макони сополлари (1981–1986-йиллар қазилма материаллари асосида)

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Тош асри,

неолит,

Калтаминор маданияти,

Толстов макони,

1981–1986 йиллар

қазилма сополлари,

идишлар шакли,

Мазкур мақола 1981–1986 йиллар мобайнида Толстов макони қазилмаларида қўлга киритилган ва ҳанузгача илмий муомалага киритилмаган (Ичан қалъа давлат музейи қўриқхонаси фондида сақланаётган) сополлар тўпламини ёритишга бағишланади. Мақолада мазкур сополлар илмий таҳлилида идишлар ясашиши

¹ Junior Researcher, National Archaeological Center of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
E-mail: zarifanormaxammadovna@mail.ru

идишлар типлари,
ясашиш технологияси,
нақшлар,
аналогияси.

технологияси, тузилиши, шакли, типларини аниқлаш, идишлар сирти юзасидаги нақшлар туширилганлиги усуллари, шакли, мазмуни ва уларнинг аналогияси масалаларига эътибор қаратилган. Хусусан, Толстов макони олдинги йиллар қазилмалари материаллари, Жонбасс 4 макони, шунингдек, Калтаминор маданиятининг маҳаллий маданий вариантлари (Оқчадарё, Лавлаконт, Қуйи Зарафшон) ёдгорликлари сополлари билан қиёсий солиштирма маълумотлари келтирилган. Шу аснода мазкур Толстов макони сопол тўплами илк бор илмий муомалага киритилмоқда.

Керамика Толстовского поселения (на основе раскопочных материалов 1981–1986 гг.)

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Каменный век,
неолит, кельтаминарская
культура,
стоянка Толстова,
керамика из раскопок
1981–1986 годов,
форма сосудов,
типы сосудов,
технология изготовления,
орнаменты,
аналогии.

Настоящая статья посвящена исследованию коллекции керамических изделий, обнаруженных в ходе раскопок в Толстовском районе в период с 1981 по 1986 годы. Эти артефакты, до сих пор не включённые в научный оборот, хранятся в фондах государственного музея-заповедника «Ичан-Кала». Основное внимание в статье уделяется анализу технологии изготовления, структуры, формы и типов сосудов, а также методам нанесения орнаментов на их поверхность. Рассматриваются особенности орнаментации, включая формы, содержание и возможные аналогии. Приводится сравнительный анализ материалов раскопок Толстовской стоянки предыдущих лет, керамики стоянки Джонбас-4, а также памятников локальных вариантов кельтеминарской культуры (Акчадарьинского, Лавляканского и Нижнезарафшанского регионов). Впервые данная коллекция керамики из Толстовской стоянки вводится в научный оборот, что позволяет расширить представления о её культурно-историческом значении.

КИРИШ

Инсон тараққиёти тош даври ривожланиши босқичлари кесимида ўзига хос хусусиятларни ифодаловчи маданият тарихига эга. Бу тарихий даврлар кетма-кетлигида инсоннинг табиатга қарамлигидан аста-секин, эволюцион тарзда ўз кунлик турмуш тарзи, машғулотлари мазмуни, меҳнати жараёнида тўпланган тажриба асосида табиат ҳодисаларининг моҳиятини тушуниб, уларни ўзига бўйсундирганлиги фавқулудда ҳодиса, воқелик бўлмасдан, балки бу жараён уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда кетма-кет эришган ихтиро ва кашфиётларининг маҳсулидир. Шундай кашфиётлар жумласига неолит даврида одамзод томонидан ўз турмушларида сополчилик ишларини йўлга қўйгани ҳам киради.

Сопол идишлар ўз ясашиш технологияси билан ишлаб чиқаришнинг мазмун моҳиятини, тарихини, моддий маданият мазмунини беради. Шунингдек, сополчилик ишлари моддий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, жамоаларнинг

маиший турмуш тарзи, жамоаларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари, маданият келиб чиқишининг тарихий илдизларини ёритишда манбавий асос ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Ватанимиз сарҳадлари миқёсида неолит даври жамоаларига тегишли ёдгорликлар қазिशмалари жараёнида қўлга киритилган катта ҳажмда қизиқарли сопол идишлар тўпламларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Буларга Калтаминор, Сазоғон, Устюрт неолит жамоалари моддий маданияти тадқиқотида қўлга киритилган сопол буюмлари киради. Хусусан, Калтаминор тарихий-маданий жамоаларига тегишли сопол идишлари тўпламининг илмий таҳлили натижалари сермахсул бўлди. С.П. Толстов томонидан Калтаминор жамоалари турмушида қўлланилган сопол идишларнинг ўрганилиши ва уларнинг илмий таҳлили бошлаб берилган бўлсада, бу тадқиқот кейинги йилларда А.В. Виноградов томонидан изчиллик билан давом эттирилиб, муҳим илмий натижаларга эришилган. Аниқроғи, сополчилик ишлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ривож, сопол буюмлар ясалиши техникаси, технологияси, нақшлари, ёдгорликлар даврий хронологиясини аниқлаштиришдаги, жамоаларнинг қўшни ҳудуд неолит жамоалари билан ўзаро маданий алоқаларини билишдаги ўрни ҳақида муҳим илмий маълумотлар тўпланди. Шу маълумотлар асносида калтаминорликлар сополларининг Ўрта Осиё жанубий сарҳадлари, Шарқий Каспий бўйи ўтроқ деҳқон жамоалари, Яқин Шарқ ва Эрон неолит жамоалари сополларига ўхшашлик томонлари, Калтаминор маданиятининг маҳаллий маданий вариантлари (Оқчадарё, Лавлакан, Қуйи Зарафшон) бўлганлиги илмий асосланишига эришилди. Ушбу маълумотларни Толстов маконининг 1981–1986 йилларда А.В. Виноградов томонидан амалга оширилган қазишма ишларида қўлга киритилган ва нашр этилмаган сополлари (Хива шаҳри, Ичанқала давлат музейи фондида сақланаётган) ёритилиши мақсад қилинган ушбу мақоламиз материаллари янада бойитади деб ўйлаймиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДИКА.

Жаҳон тарихшунослигида неолит даври жамоалари турмушида қўлланилган сопол буюмлари ибтидоий давр одамларининг моддий, маънавий маданияти, дунёқарашини ўрганишда бирламчи манба сифатида долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этади. [Андреев., Выборнов, 2017. С. 91–99] Юқорида келтирганимиздек, Толстов макони Калтаминор тарихий-маданий жамоалари моддий маданиятига тегишли ёдгорлик ҳисобланади. Мазкур неолит даври жамоаларига оид сополларнинг ўрганилиши Жонбасс 4 макони кашф этилиши билан илк бор бошланган. [Толстов, 1939. С. 91–92.] Кейинги йиллар тадқиқотида Жонбасс 4, Куняк 1, Қават 5 каби ёдгорликларининг сополлари тарихий манба сифатида илмий адабиётларда ўз аксини топган. [Толстов, 1948. С. 65–74]

Ўтган аср 50–60 йиллари мобайнида Калтаминор маданиятига оид янги ёдгорликлар кашф этилиб, улар тадқиқотида қизиқарли ва муҳим илмий аҳамиятга молик сополлар тўплами қўлга киритилишига эришилди. [Виноградов, 1957. С. 34–45; Толстов, 1960. С. 170–177; Итина, 1959. С. 5–30; Виноградов, 1963. С. 91–93; Виноградов, 1968. С. 178.] Ўтган аср 70–80 йилларида Хоразм археологик экспедицияси Оқчадарё ҳавзаси Толстов макони, Қизилқум ички ҳудудлари, хусусан Лавлакан, Мингбулоқ, Бешбулоқ, Қорақата чўкмалари атрофида [Виноградов, 1975. С. 98–103; Виноградов., Мамедов, 1975. С. 43, 69–71, 219–221, 263–274.], Қуйи Зарафшон қадимги ўзанлари (Оёқағитма, Эчкиликсай, Дарёсой,

Чорбақти) тош даври жамоаларининг моддий маданиятини ўрганишда неолит даврига оид катта ҳажмдаги сопол буюми манбалари тўпламларини қўлга киритди. Хусусан, Қуйи Зарафшоннинг шимолий ўзанидаги Дарёсой воҳасида А.В. Виноградов томонидан Учаши 131 макони тадқиқ этилиб, маданий қатламдан илк неолит даврига оид сопол идиш парчалари топилган. [Виноградов, 1981. С. 64–66] Шунингдек, А.В. Виноградов Қуйи Зарафшон неолит сополларининг Оқчадарё сополларидан фарқли ва ўхшашлик жиҳатларини ўз тадқиқотларида келтирган. [Виноградов., Мамедов. 1975. С. 269–270].

Яҳё Ғуломов бошчилигидаги Ўзбекистон археологик экспедицияси ходимлари томонидан Қуйи Зарафшоннинг қадимги ўзани бўлган Моҳандарё, Ҳўжайли, Катта ва Кичик Тузкон воҳаларидан (Дорбазақир 1, 2: кўплаб топилма жойларидан) қизиқарли сопол буюмлари тўплами қўлга киритилган ва илмий таҳлил этилган. [Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А., 1966, С. 23–43] Ў. Исломовнинг кўрсатишича, бу сополларнинг кўпчилиги ўз шакли ва нақшлари билан Жонбос 4, Куняк 1, Қават 5 маконлари сополлари, шунингдек баъзи сопол буюмлари эса тўлқинсимон чизиқли нақшлари билан жанубий ҳудудлар ўтроқ деҳқон жамоалари сополларига яқин бўлган. [Исламов, 1963. С. 125.] А.В. Виноградов тадқиқотича, бу сопол буюмлар тўпламларининг илмий таҳлили натижалари биринчидан Калтаминор тарихий-маданий жамоалари маданият ривожини 3 та хронологик босқичга ажратиш ҳамда иккинчидан маданиятнинг 3 та маҳаллий маданий вариантларини аниқлашга илмий асос бўлган. [Виноградов, 1981. С. 165-166] Кейинги йиллар мобайнида ҳам Калтаминор жамоаларига тегишли сополлар тадқиқоти ишлари давом эттирилган. [Холматов, 1991, С. 27; 2007. С. 44–139.; Холматова, 2011. 60–63 б.; Хужаназаров М., Брунет Ф., Шимчак К, 2006, С. 244–250]

Калтаминор жамоаларининг сополчилик ишларини ўрганишда А.В. Виноградов томонидан 1976 йилдан эътиборан Оқчадарё ҳавзасида тадқиқ этилган «Толстов макони» сопол идишларининг тутган ўрни муҳим ҳисобланади. А.В. Виноградов Толстов макони сополларини ўрганар экан, улар ичида Калтаминор сополларига хос бўлмаган қорин танаси цилиндрик шаклда, таг қисми эса текис бўлган идишларни аниқлаган ва шу аснода Калтаминор жамоаларининг Ўрта Осиё жанубий ҳудудларнинг ўтроқ деҳқон жамоалари билан ўзаро маданий алоқада бўлишганлиги ҳақидаги хулосага келган. [Виноградов, 1981. С. 81-82] Калтаминор сополлари тўғрисида Қуйи Сирдарё воҳасида тадқиқ этилган Космола 1-6, Аймора 1, Талас 1 маконлари сополлари ҳам муҳим маълумотлар беради. [Виноградов, 1981. С. 90–94]

Республикамиз мустақиллиги йилларида Қуйи Зарафшон воҳаси Оёқоғитма неолит ёдгорлигида халқаро археологик экспедициялар (Ўзбекистон – Польша, Ўзбекистон – Франция) қазилма ишларини олиб боришиб, қўлга киритилган сопол тўпламларини илк неолит даврига оид деб хулосага келишган. [Szymezak., Khudzhazarov., Fontugne., Muchniak, 2004. P. 26-32; Хужаназаров, Брунет, Шимчак, 2006. С. 244-250] Қуйи Зарафшон воҳаси неолит даври сополлари муаллиф томонидан ҳам қўшни ҳудудлар сополлари билан қиёсий таҳлил этилган. [Холматова, 2012. Б. 109]

Юқорида келтирилган фактик материаллар Калтаминор жамоалари турмушида қўлланилган сопол идишлар ўрганилгани ҳақида етарлича билим кўникмасини шакллантиради деб ўйлаймиз.

МАТЕРИАЛЛАР

Толстов макони Қуйи Амударёнинг Оқчадарё ҳавзасида Жонбасс 4 макони ёнида жойлашган бўлиб, Хоразм археология экспедицияси ходимлари (А.В. Виноградов) томонидан тадқиқ этилган ва дастлабки тадқиқоти натижалари илмий адабиётларда ўз аксини топган. [Виноградов, 1981. С. 81-82] Ёдгорликни 1982-1986 йиллардаги тадқиқоти натижалари ҳақида А.В. Виноградовнинг дастлабки маълумотлари мавжуд бўлсада, [Виноградов, 1982. С 452, 453; 1983. С. 470 ; 1986. С. 456.] лекин қўлга киритилган материаллар тўлақонли равишда илмий талқин этилмаган. Шу боис қуйида биз фондда сақланаётган сопол буюмлар (Ичанқала) ва Яхё Ғуломов номидаги Самарқанд археология институтининг архиви [Виноградов А.В., 1981, 1982, 1984, 1985] материалларидан фойдаланиб, Толстов маконининг нашр этилмаган сополлари ҳақида маълумотларини келтирамиз.

Толстов маконининг мазкур сополларини ўрганар эканмиз, улар сопол идишларнинг турли қисмларини ифодаловчи, нақшли ва нақш солинмаган парчалари эканлиги ва Жонбас 4 ва бошқа Калтаминор жамоаларига оид бўлган ёдгорликлар сополларига ўхшашлигининг гувоҳи бўлди. Бу ўхшашлик сопол идишлар тайёрланган лойи таркиби, шакллари, ясалиш технологияси, безак-нақшларида ифодаланган. Сопол идишлари парчалари, хусусан уларнинг оғиз, ўрта қорин ва таги қисмлари асосида рўзғорда бажарган функциясига қараб идиш турларини аниқлашга ҳаракат қилдик:

Косалар. Сопол мажмуаси орасида косалар бир қанча майда бўлақлар кўринишида намоён бўлади. Шулар орасида шакл ва орнаментлари маълумот бера оладиган идишлар ҳам учрайди. Жумладан, косалар улар орасида алоҳида ажралиб туради. Косалар гардиш шаклига кўра 2 та турга ажралади. 1-турга шакли яримшарсимон, гардиши тик ва девори юпқароқ бўлган косалар киради. Улардан 1-си шакли яримшар, кесмада ранги оч жигарранг, девори юпқа (0, 5-0, 6 мм), гардиши тик, чети шишган. Пиширилиш сифати паст, баъзи жойларида алоҳида ранглар билан ажралиб қолган. Лойи зич, таркибида қум, майда тош ва ўсимлик қўшимчалари учрайди. Диаметрлари 18-23 см (1-расм). Косалар орасида ҳажми каттароқ бўлган турлари кам учрайди. Бунга ўхшаш косалар Учаши 131 манзилгоҳи сопол идишлари тўпламида ҳам учрайди. [Виноградов А.В., 1981, С. 66.]

Шу турдаги косаларнинг бири шакли яримшарсимон, гардиши тик, кесмада қизғиш тусга эга. Унинг ташқи ва ички юзасида оҳиста силлиқлаш излари билиниб туради. Лойи мўрт, таркибида майда қум ва ўсимлик қўшимчалари учрайди. Диаметри 18 см. (1-расм. 2). Шу каби косалардан яна бирининг ташқи юзасида тароқсимон кўринишли нақш кузатилади. Кесмаси оч жигарранг тусга эга. Лойи зич, таркибида қум, гипс, ўсимлик қолдиқлари ва майда тош бўлақлари учрайди. Пиширилиш сифати паст. Косанинг диаметри 20 сантиметрни ташкил этади (1-расм. 3). 2-турдаги косаларга шакли шарсимон, гардиши учбурчаксимон, ичкарига бироз қайрилган кўринишли косалар киради. Бу каби косалар сопол мажмуаси орасида кам сонли бўлиб, уларнинг девори қалин қилиб ишланган, кесмада кулранг тусга эга. Лойи зич, таркибида қум ва тош бўлақлари учрайди. Пиширилиш сифати паст, идишнинг баъзи жойлари алоҳида ранглар билан ажралиб қолган (4-расм). А.В. Виноградов ўз тадқиқотида бундай кўринишли идишларни улар деворларининг қалинлиги ва юпқалигига қараб икки гуруҳга

ажратган. [Виноградов А.В. 1981, С. 90] Шу каби косалардан яна бири кесмада қизғиш тусга эга, шакли ярим шарсимон, гардиши тик, учбурчаксимон кўринишли. Идишнинг ташқи тарафида тирноқча шаклидаги ўйма нақшлар идиш қорин қисмига горизонтал йўлак шаклида туширилгани кузатилади (5-расм. 1). Шунингдек, косалар орасида гардиши бироз мураккаброқ қилиб ишланган, қалин деворли ярим шарсимон кўринишлилари ҳам бор. Ушбу косанинг ташқи юзаси чўзинчоқ суйрисимон нақшлар билан безалган. Коса кесмада жигарранг тусга эга, идишнинг пиширилиши сифати паст (8-расм. 1). Шу каби косаларга мисол бўладиган яна бир коса фрагменти шаклан ярим шарсимон, кесмада сарғиш тусга эга, гардиши ташқари томонга кучли қайрилиб, деярли горизонтал ҳолатга келтирилган. Гардишнинг ички қисми четида айлана бўйлаб чуқур қилинган йўналиш изи кузатилади. Идиш сирти юзасига тирноқча шаклида туширилган нақшлар кузатилади. (8-расм. 2). Шу ўринда таъкидлаш лозимки, А.В. Виноградов косаларнинг ичида уларнинг гардишига қараб гардиши ичкари томон қайрилган, таги қисми думалоқ ва гардиши тўғри ҳолатда таги қисми эса учқур кўринишли бўлган икки гуруҳни ажратган. Таги учқурроқ бўлган коса кесмада қизғиш тусга эга, лойи зич, пиширилиш сифати ўрта даражага эга. Идишнинг сирти юзасида вертикал тасма кузатилади ва уларнинг ораси горизонтал чизиқли кўринишдаги нақшлар билан безатилган (6-расм. 2). Охирги косача ёки пиёлача кесмада қизғиш тусга эга, шакли ярим шарсимон, девори қалин. Пиширилиш сифати ўрта даражада, лойи таркибида зич ҳолатда қум ва сланец бўлаклари учрайди (7-расм. 2).

Цилиндрсимон косалар. Сопол мажмуасида банкасимон идишлар (цилиндрсимон шаклдаги) учрайди. Буларни асосан цилиндрсимон ва банкасимон шаклда ясалган косалар ташкил этади. Улар сопол маҳсулотлар комплексида ўзига хос ўрин тутиб, ошхона идишларининг катта қисмини ташкил қилади. Уларнинг девори қалин, пиширилиши сифати даражаси ўртача, асосан идишнинг сирти юзасига нақшлар туширилган. Улардан 1-си кесмада сарғиш тусда, гардиши бироз ташқарига оғади. Лойи зич, таркибида қум ва майдаланган гипс бўлаклари учрайди (3-расм. 1). 2-идиш фрагменти кесмада қизғиш тусда, шакли цилиндрсимон, идишнинг сирти юзасига қорин қисмидан тепага тортилган тирноқ шаклидаги ўйма ва қия йўналишда тўртбурчак кўринишли босма безаклар туширилган. Пиширилиш сифати даражаси ўрта. Лойи зич, таркибида қум ва ўсимлик қолдиқлари учрайди (3-расм. 2). 3-идиш гардиши фрагменти кесмада жигарранг тусда, шакли цилиндрсимон, идиш танасида билинмас ички тарафга букилиш кузатилади. Гардиши тик, идишнинг сирти юзасига қия йўналишда таёқчалар шаклида безак берилган. Лойи мўрт, таркибида майда қум ва ўсимлик қолдиқлари мавжуд. Пиширилиш сифати даражаси паст (3-расм. 3). 4-банкасимон идишнинг яна бир фрагменти шаклан цилиндрсимон косага ўхшаш идиш ҳисобланади. Кесмада қизғиш тусда, гардиши билинмас тарзда ичкари томонга қайрилган. Ташқи тарафдан қия таёқчалар шаклидаги безак берилган (6-расм. 5-коса цилиндрсимон кўринишли, кесмада сарғиш тусга эга. Гардиши ташқари томонга қайрилган. (эҳтимол кўза гардиши бўлиши ҳам мумкин). Пиширилиш сифати даражаси паст. Лойи мўрт, таркибида майда қум ва куйган ўсимлик қолдиқлари учрайди (7-расм. 1).

Хурмачалар. Сопол мажмуасида хурмачалар ҳам учрайди. Хурмачаларни шакли, ясаиш технологиясига кўра 3 типга ажратиш мумкин: 1-шарсимон, 2-суйрисимон, 3-банкасимон кўринишли. Жумладан, шарсимон кўринишли

хурмачанинг гардиши ташқари томонга қайрилган. Гардишнинг уч қисми томон девори юпқалашиб борган. Кесмаси кулрангга эга. Лойи зич, таркибида қум ва гипс кузатилади. Пиширилиш сифатининг даражаси ўртача. (10-расм. 1). Шунингдек, 2-типнинг овалсимон кўринишли хурмачалар масаласига келганимизда, идишнинг гардиши озгина ташқи томон қайрилганини кўрамиз. Лойи зич, таркибида қум, шамот ва майда тош учрайди. Идишнинг сирти бўйин қисми юзасида содда меандр шаклидаги тишсимон нақшлар билан безатилгани кузатилади. Ушбу типдаги идишлар, Калтаминор маданиятининг бошқа ёдгорликлари, хусусан Жонбос 4, Қават 7 сополлари тўпламида учрайди (9-расм). Шу типдаги яна бир хурмача, кесмада кулранг, гардиши ташқари томонга қайрилган, идиш девори гардиши учи томонига қараб юпқалашиб борган. Идишнинг сирти юзаси текисланмаганлиги кузатилади. Лойи зич, таркибида қум ва гипс борлиги кузатилади. 3-типга оид хурмачалар шаклан цилиндрсимон ёхуд банкасимон кўринишли бўлиб, кесмаси қизғиш тусга эга, гардиши тик кўринишли идишлар ҳисобланади. (11-расм. 1). Шу типга тегишли бўлган яна бир хурмачанинг кесмаси қизғиш тусга эга, гардиши бироз ичкари томонга қайрилган. Идишнинг сиртки юзаси вертикал тарзда чизиқли тарзда туширилган зигзаг кўринишдаги нақшлар билан безатилгани кузатилади.

МУНОЗАРА

Юқорида келтирилганидек, Калтаминор жамоалари турмушида қўлланилган сопол идишлар тадқиқотида даставвал Жонбос 4 ёдгорлиги материаллари асосида эътибор қаратилган ва уларни Ўрта Осиёнинг жанубий сарҳадлари ўтроқ деҳқон жамоалари сополларига ўхшашлигини эътироф этилган. Кейинги йиллар тадқиқотларида калтаминорликлар сополлари А.В. Виноградов томонидан изчиллик билан ўрганилган. Сополлар асосида Калтаминор маданияти хронологик жиҳатдан қадимийлаштирилган (Учаши 131 макони сополлари), маданиятнинг 3 та ривожланиш босқичлари (илк, ўрта ва сўнги неолит) асосланган, маданиятнинг 3 та маҳаллий маданий вариантлари бўлганлиги аниқланган (Оқчадарё, Лавлакон ва Қуйи Зарафшон), Ўрта Осиёнинг жанубидаги Копеттоғ ён бағри ўтроқ деҳқон жамоалари (Жойтун маданияти), Шарқий Каспий бўйи неолит жамоалари, Эрон ва Яқин Шарқ неолит жамоалари сополларига ўхшашлик жиҳатлари борлигидан бу жамоаларнинг ўзаро маданий алоқалари масаласи ёритилишига эришилган. Шунингдек, Калтаминор сополлари билан Ўрта Зарафшон воҳаси Сазоғон неолит жамоалари сополларининг ўхшашлик жиҳатлари борлиги илмий адабиётларда ўз аксини топган. [Холматов, 2020, 86б] Соҳа мутахассисларининг Калтаминор сополларининг бундай илмий таҳлилида, сўзсиз Қуйи Амударё Оқчадарё ҳавзасидаги Толстов макони дастлабки тадқиқотида қўлга киритилган сополларнинг ҳам ўрни бор. [Виноградов; 1981, С. 81-85].

Энди, биз юқорида келтирилганидек Толстов макони кейинги тадқиқотида қўлга киритилган сопол буюмларнинг илмий таҳлили натижаларини келтирамиз. Таҳлил жараёнида сопол идишлар шакли, ясаиш технологиялари, нақшлари, турмушда бажарган функцияларига эътибор қаратилди, улар типга ажратилди. Хусусан, сопол идишларнинг 3 та типи аниқланди ва типлардаги идишлар ҳам ўз навбатида гуруҳларга бўлинди. Сопол идишлар сирти юзасига туширилган нақшлар таҳлили улар ҳақида кенгроқ маълумот бериш имконини берди: 1. Тароқсимон кўринишли нақшлар коса, хурмачаларнинг бутун идиш девори сиртки

юзаси бўйлаб туширилгани манзараси кузатилди (1-расм. 3); 2. Босма усулда идишнинг сиртки юзасига туширилган ихтиёрий тўғри тўртбурчак кўринишли нақшлар майда тўртбурчакларнинг тўр шаклини англатувчи манзара тасаввурини берди (1-расм. 4, 3-расм. 2, 4); 3. Махсус учқур таёқча ёрдамида туширилган тирноқсимон кўринишли нақшлар идиш бўйин қисми, унинг гардиш теграсига ва қорин пастки қисмида кузатилади. Бу нақшлар идишнинг гоҳ тепа, гоҳ паст томонига қараб солинганлиги манзарасига эга (5-расм. 2, 2-расм. 1). 4. Идишлар сиртки юзасида қия ҳолатда кетма-кет таёқча кўринишида солинган нақшлар ҳам учрайди. Улар нуқтали, узун чизиқли, кўринишли нақшлар ҳисобланади (6-расм. 1). 5. Идишнинг юза қисми вертикал тасма орасига солинган горизонтал чизиқ кўринишли нақшлар. Ёки акси, яъни, идишлар сиртки юзасида горизонтал тасмалар орасига вертикал чизиқлар кўринишли ҳамда тирноқча ва ўйиқлар кўринишли нақшлар туширилиб безатилгани кузатилади (6-расм. 2). 6. Шунингдек, идишлар сиртки юзасида горизонтал чизиқлар тортиш (11-расм. 4), горизонтал чизиқлар орасига тирноқсимон, учбурчак кўринишли нақшлар солиш (5-расм. 1, 3), вертикал ва горизонтал зигзаглар нақшини тушириш (10-11 расмлар), нуқтали ва чизиқли кўринишли нақшлар билан безаш (11-расм. 2), пистончалар билан безаш усули (11-расм. 5), содда меандр шаклидаги (9-расм. 1) нақшлар солингани кузатилади. Таҳлил натижасида қўлга киритилган бу маълумотларни дастлаб Толстов макони ёнида жойлашган Жонбасс 4 макони сополлари маълумотлари билан солиштирганимизда сопол идишлар ясалиши лойи, шакли, типлари ясаиш технологиялари, нақшлари, турмушда бажарган функциялари бўйича яқиндан ўхшашлигининг гувоҳи бўлди. Толстов маконинг янги сополлари маълумотларини Калтаминор жамоаларига оид бошқа ёдгорликлар сополлари маълумотлари билан солиштирганимизда уларнинг ўзаро ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари борлигини аниқладик. Бунда А.В. Виноградов томонидан Калтаминор жамоалари маданиятининг 3 та ўзига хос характерга эга бўлган маҳаллий маданий вариантларни ажратишга асос берган сопол идишлар таҳлили натижалари ҳамда Калтаминор сополларига бағишланган илмий ишлар маълумотларига таяндик. [Виноградов А.В., 1970, С. 31-36; Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. 1966, С. 21-87; Виноградов А.В. Мамедов Э.Д. 1975, С. 263-274; Виноградов А.В., 1981. С. 81-85, 165-166 рис. 32; Холматова З., 2012, 105-110 б.]

ХУЛОСА

А.В. Виноградов томонидан Толстов маконида 1981-1986 йиллар мобайнида амалга оширилган қазилмаларда қўлга киритилган сополлар илмий таҳлил этилиши асносида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Мазкур сополлар Толстов макони олдинги йиллар қазишма ишларида қўлга киритилган сополлар тўпламини янада бойитди;


2. А.В. Виноградов Толстов макони сопол идишлари сирти юзаси яхши текисланган ва сўнгра бўёқ берилгани таъкидлаган. Бизнинг кузатувимиз бўйича бир нечта сопол идиш парчаларида юза қисми тўлақонли текисланмаганлиги факти аниқланди.

3. Идишларга жигарранг-қизил охра билан бўёқ берилган ва нақш солинган. Бўёқ ва нақшлар А.В. Виноградов ёзганидек, ўйиб ишланган безаклар устидан ўтганлиги янги материаллар, яъни идиш парчаларида кузатилди. Бундай бўйаш ва


нақш бериш усуллари Жонбос 4 макони сопол буюмларида ҳам учратилгани ҳақида илмий адабиётларда маълумотлар мавжуд.

4. Янги материалларда босма усулда идишнинг сирти юзасига туширилган тўғри тўртбурчак кўринишли нақшлар майда тўртбурчакларнинг тўр шаклини англатувчи манзара учратилгани муҳим ҳисобланади.


Иловалар



1-расм. Толстов макони косалари




2-расм. Косалар




3-расм. Цилиндрсимон косалар




4-расм. Коса




5-расм. Коса



6-расм. Цилиндрсимон коса




7-расм. 1-цилиндрсимон коса, 2-косача




8-расм. Косалар



9-расм. Хурмача



10-расм. Хурмача



11-расм. Хурмача

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Андреев К. М., Выборнов А. А. Керамика раннего неолита от Средней Азии до Дании. Журн. Самарский научный вестник. 2017. Т. 6, № 3(20), с. 91-99.
2. Толстов С. П. Хорезмская археологическая экспедиция, 1940. КСИИМК, вып. 12, 1946, с. 91-92
3. Толстов С. П. По следам древнехорезмской цивилизации. М., 1948, с. 65-74.
4. Виноградов А. В. К вопросу о южных связях келтеминарской культуры // СЭ, № 1. 1957. С. 34-45; Толстов С. П. Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой. // История формирования и заселения – МХЭ, вып. 3. – М., 1960. С. 170-177; Итина М. А. Первобытная керамика Хорезма. ТХЭ, 1959. С. 5-30; Виноградов А. В. Новые материалы для изучения кельтеминарской культуры. МХЭ, 1963, вып. 6. С. 91-93; Виноградов А. В. Неолитические памятники Хорезма – МЭХ, вып. 8. – М. : Наука, 1968. С. 178
5. Виноградов А. В. Мамедов Э. Д. Первобытный Лявлякан. // Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов. – МЭХ, вып. 10. – М. : Наука, 1975. С. 43, 69-71, 219-221, 263-274
6. Виноградов А. В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. – ТХЭ, т. XIII. – М. : Наука, 1981. С. 64-66
7. Виноградов А. В. Мамедов Э. Д. Первобытный Лявлякан. // Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов. – МЭХ, вып. 10. – М. : Наука, 1975. С. 269-270
8. Гулямов Я. Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966. С. 23-43
9. Исломов У. И. Неолитическая культура в низовьях Зарафшана. Автореф. дисс. на соиск. уч. степени канд. истор. наук, Л., 1963. С. 125.
10. Виноградов А. В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ, т. XIII. М. : Наука, 1981. С. 165-166.
11. Холматов Н. У. Новые неолитические памятники на староречьях Зеравшана. // Новые открытия в Приаралье, вып. 1, М., 1991. С. 27; Холматов Н. У. Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана. Изд. «Фан», Ташкент, 2007, С. 44-139; Холматова З. Н. Калтаминор маданияти сополлари хусусида. Марказий Осиё деҳқончилиги ва дашт цивилизациясининг ўзаро муносабатлари мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари. Самарқанд, 2011. 59-63-бб; Хужаназаров М., Брунет Ф., Шимчак К. Археологические исследования Узбекско-французской экспедиции на памятниках Кызылкумов // Археологические исследования в Узбекистане 2004-2005 гг. Ташкент, 2006. С. 244-250.
12. Виноградов А. В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ, т. XIII. М. : Наука, 1981. С. 81-82.
13. Виноградов А. В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ, т. XIII. М. : Наука, 1981. С. 90-94.
14. Szymezak., Khudzhazarov M., Fontugne M., Muchniak R. 14 C dating of Ayakagytma tht site, neolithic settlement in south- eastern Kyzyl-Kums, Uzbekistan . The history of material culture of Uzbekistan, 34 Edition, Samarkand-2004. P, 26-32; Хужаназаров М., Брунет Ф., Шимчак К. Археологические исследования Узбекско-французской экспедиции на памятниках Кызылкумов // Археологические исследования в Узбекистане 2004-2005 гг. Ташкент, 2006. С. 244-250.

15. Холматова З. Н. Калтаминор сополлари (маҳаллий маданий вариантлар мисолида) -// ЎММТ, 38-нашр, Самарқанд, 2012, 109 б.
16. Виноградов А. В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ, т. XIII. М. : Наука, 1981. С. 81-82.
17. Виноградов А. В. Работы Джанбасского отряда // АО 1981, М. : Наука, 1982. С 452-453; Виноградов А. В. Раскопки стоянки Толстова. //АО 1982, М. : Наука, 1983. С. 470; Виноградов А. В. Работы на стоянке Толстова // АО 1984, М. : Наука, 1986. С. 456.
18. Виноградов А. В. Раскопки неолитической стоянки Толстова в 1981 г. (шестой сезон) // Научный отчет Джанбасским отрядом Хорезмской археолого-этнографической экспедиции ИЭ АН СССР. 1981 г. / Архив Самаркандский институт археологии. Фонд, Ф. 1. О. 1. Д. 12; Виноградов А. В. Отчет о работах на стоянке Толстова в 1982 г. // Научный отчет Джанбасским отрядом Хорезмской археолого-этнографической экспедиции ИЭ АН СССР. 1982 г. / Архив Самаркандский институт археологии. Фонд, Ф. 1. О. 1. Д. 18. ; Виноградов А. В. Отчет о раскопках на стоянке Толстова в 1984 г. // Научный отчет Джанбасским отрядом Хорезмской археолого-этнографической экспедиции ИЭ АН СССР. 1985 г. / Архив Самаркандский институт археологии. 1985. Фонд, Ф. 1. О. 1 Д. 29.
19. Виноградов А. В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ, т. XIII. М. : Наука, 1981. С. 66.
20. Виноградов А. В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ, т. XIII. М. : Наука, 1981. С. 90
21. Холматов Н. У. Сазоғон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни. СамДУ нашриёти, Самарқанд, 2020, 86 б.
22. Виноградов А. В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ, т. XIII. М. : Наука, 1981. С. 81-85, рис. 32.
23. Виноградов А. В. О локальных вариантах неолитической культуры Кызылкумов. - КСИА, 1970, вып. 122. С. 31-36; Гулямов Я. Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966. С. 21-87; Виноградов А. В. Мамедов Э. Д. Первобытный Лявлякан. // Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов. – МЭХ, вып. 10. – М. : Наука, 1975. С. 263-274; Виноградов А. В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ, т. XIII. М. : Наука, 1981. С. 81-85, 165-166 рис. 32; Холматова З. Н. Калтаминор сополлари (маҳаллий маданий вариантлар мисолида) -// ЎММТ, 38-нашр, Самарқанд, 2012, 105-110 б.